

Мажмуа қурилиши ишлари қизғин давом ЭТМОҚДА...



16:01 / 16.11.2018 2201

Яқинлашиб келаётган қиш ҳаммани шошилтириб қўяётгани ҳеч кимга сир эмас. Айниқса бир-икки кун давомида ҳароратнинг кескин пасайиши кўпчилигимизни ўйлантириб қўйди. Аммо Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф роҳимаҳуллоҳ номлари учун барпо этилаётган мажмуа фаолияти ҳақида кўп ҳам хавотирланишга ўрин йўқ. Чунки мажмуада қурилиш ишларин олиб бораётган ишчилар бир лаҳза ҳам тиними билмасдан ўз ишларини давом эттирмоқдалар. Бугун ушбу масжидда қурилиш ишлари юқори суръатларда давом этмоқда. Пойтахтимизнинг Чилонзор туманида барпо этилаётган умумий майдони 21180,0 м². бўлган мажмуа лойиҳага кўра, масжид ҳудуди намозхона, аёллар намозхонаси, таҳорат хоналари, минора, 3 та кириш пештоқи, “Сўгалли Ота” мақбараси, анжуманлар саройи, ташқи ва ички фавворалар, масжид саҳни, автоуловлар учун тўхташ жойларидан иборат.



Ўтган ҳафта ҳам мажмуа таркибидаги биноларнинг бирига битта гумбаз қўйилган эди, ҳаво совуқ бўлишига қарамай, ушбу ҳафтада мажмуа таркибидаги масжидга кириш жойида муҳташам пештоқ қуриб битказилди. Ички ва ташқи пештоқ устига ҳам каттагина гумбаз ўрнатилди, шунингдек, мажмуани бешиб турадиган иккита миноранинг асосий қисмлари қад кўтарди. Мажмуа саҳнида эса кичик йўлаклар учун дастлабки бетон ётқизиш ишлари ҳам охирига қолди.



Шунингдек, Президентимиз ушбу ҳудудга музей бунёд этиш ва у ерда Шайх ҳазратларининг умр йўлига оид қимматли маълумотлар, уларнинг илмий меросини жамлаш лозимлигини таъкидлаб ўтган эди.



Худудда ўзгача чирой бахш этувчи Анжуманлар саройи, лойиҳага кўра 200 ўринга мўлжалланган бўлиб, умумий майдони 591,4 м² ташкил этади.

Муҳатарам юртдошлар! Масжид қурилиши жараёни билан давомли тарзда фотолавҳаларда таништириб борамиз.

***islom.uz* портали таҳририяти**